

ЦЕРЕБРАЛ ОЗУҚАГА БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧА ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

Таркиби: 1 ампула қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

Гинкго Билоба	550 мг;
L'Аспарагин кислотаси	313,5 мг;
L'Аргинин	236,5 мг;
Готу Кола экстракти	110 мг;
Гуарана	21 мг;
Полиоксиэтилен Сорбитан Монолаурат	17 мг;
Женьшень	12 мг;
Е витамини	0,750 мг;
В6 витамини	0,150 мг;
В2 витамини	0,120 мг;
В1 витамини	0,105 мг.

ёрдамчи моддалар:

Тозаланган сув, сорбитол, карамель, пропиленгликоль, сояли лецитин, этанол, натрий бензоати, калий сорбати, малина мохияти.

Фаол ингредиентларнинг хусусиятлари

Гинкго Билоба таркибида 100дан ортиқ табиий биофаол моддалар сақланади, уларнинг орасида тритерпен лактонлар, биофлавоноидлар (кверцетин), флавоноид гликозидлар, танинлар, органик ва гинкгол кислоталар, аминокислоталар, катехинлар, стероидлар, ва шакар, микроэлементлар ва алоҳида витаминлар энг муҳимлари ҳисобланади. Мажмуада улар микроайланишни, мияда қон айланишини ва фаолликни яхшилайдди, веналар ва артерияларнинг тонусини яхшилайдди, антиоксидант таъсир кўрсатади.

Готу кола пентациклик тритерпеноид сапонинлар гуруҳига таалуқли бўлган бирикмаларга, ҳамда А, С, Е, К витаминларга, флавоноидларга, эфир мойларига, глутамин кислотасига, серинга, магнийга жуда бой. Мажмуада улар қон томирларининг ҳолатини яхшилашга таъсир қилади: томирлар ва капиллярларнинг деворларини мустаҳкамлайди, бунда қон айланишини яхшилайдди; мияга сигналларни узатишга масъул бўлган нейротрансмиттерларнинг ишини тартиблаштиради.

Гуарана кўпгина органик моддаларни сақлайди, улардан асосийси – кофеин бўлиб, у рағбатлантирувчи таъсирни корсатади, ва мияни қон билан таъминланишини яхшилашга ёрдам беради.

Женшень таркибига яққол кўринадиган адаптоген самарага эга бўлган, организмнинг экстремал вазиятларга: ўткир гипоксия, жадал жисмоний юкламалар, гиподинамия, гипертермия, бактериотоксинларнинг таъсирига турғунлигини оширувчи гинзенозидлар киради.

L-Аргинин, L-аспарагин кислотаси углеводларни мушаклар энергиясига шакллантиришга ёрдам беради, ҳамда марказий нерв тизими ва мия учун энергиянинг етказиб берувчилари ҳисобланади. Моддалар алмашинуви

жараёнларида иштирок этадиган асосий элементлардан бири ҳисобланади, ўсиш гормонининг ишлаб чиқарилишини самарали рағбатлантиради. Нерв хужайралари орасидаги коммуникацияни яхшилайдди, мия тўқимасида қон айланишини ва кислород етказиб берилишини яхшилайдди.

Е, В1, В2, В6 витаминлар кўпгина метаболик жараёнларнинг, жумладан мия учун асосий бўлган энергия манбалари - углеводлар алмашинуви ва синтезининг асосий иштирокчилари ҳисобланади, мия тўқималарини токсинлардан ва эркин радикаллардан ҳалос қилади, капиллярларнинг деворларини мустаҳкамлайди.

Қўллаш соҳаси

Церебрал - овқатга биологик фаол қўшимча, унинг таркиби миянинг физиологик хусусиятларини қўллаб туришга ёрдам берадиган мия тўқималарининг метаболизи ва озиқланишини яхшилашга қаратилган фаол моддаларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш билан танланган.

Унинг таркибига кирадиган ўсимлик экстрактлари ва биофаол моддалар нерв тўқималарига зарур бўлган нутриентларнинг табиий мувозанатини қўллаб туриш учун тавсия қилинади.

Церебрал мажмуасининг ингредиентлари нерв хужайраларини озиқавий қўллаб-қувватланишини таъминлайди, антиоксидант хусусиятлари эвазига эркин радикалларнинг токсик таъсиридан мия хужайраларини ҳимоя қилади, қон айланишини ва бош миянинг қон билан таъминланишини яхшилайдди.

Церебрал ақлий иш қобилиятини яхшилаш, диққатни жамлашни ошириш ва хотирани яхшилаш мақсадида одамларнинг энг кенг доираси учун фойдали бўлиши мумкин.

Церебрал ҳаддан зиёд серзардаликда ёрдам беради, мия қувватсизланиши ва чарчаши белгиларини камайтиради. Бу иштаҳанинг яхшиланишига, умумий тонуснинг ошишига ёрдам беради.

Қўллаш усули

Шиша ампулани очиш учун, уни матонинг бир бўлаги билан устини олдиндан ёпиб учидан ушлаш, ва олдиндан ампуланинг биринчи очилган учини сувли стаканга йўналтириб, аввал бир учланган учдан, сўнгра эса бошқа учланган учидан кескин ҳаракат билан уни синдириб олиш зарур. Ампуланинг иккинчи учини синдириб олгандан кейин унинг таркиби осонгина стаканга тўкилади. Ўзи синдирилувчи ампулалар аррачанинг қўлланилишини талаб қилмайди.

Пластик ампулаларни очиш учун қопқоқни соат милага тескари бураш лозим.

Асосий овқат қабул қилинишидан аввал кунига бир ёки икки марта 1 ампуладан қабул қилинсин.

Дозалаш тартибига шифокорнинг ихтиёри бўйича тузатиш киритилиши мумкин.

Қабул қилиш давомийлиги 1 ҳафтадан 3 ҳафtagача.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- БФҚ компонентларини шахсий кўтараолмаслиги
- ҳомиладор ва эмизикли аёлларга
- 12 ёшгача бўлган болалар

Чиқарилиш шакли ва қадок

Ичга қабул қилиш учун эритма 10 мл шиша ёки пластик ампулаларда.

20 ампуладан картон қадокда давлат ва рус тилларидаги қўллаш бўйича йўриқнома билан бирга жойланади.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

Яроқлилик муддати

36 ой.

Яроқлилик муддати ўтгандан сўнг қўлланилмасин.

Бериш тартиби: рецептсиз.

Сертификат эгаси:

BELINDA LABORATORIES LLP., Лондон, Буюк Британия.

Ишлаб чиқарувчи:

Lecifarma-Laboratorio Farmaceutico Lda.

Varzea Andrade 2670-741 Lousa, Loures, Португалия

Истеъмолчилардан шикоятларни қабул қилишга ваколатланган ташкилот:

«Ameliya Pharm Service» МЧЖ

Ойбек кўч., 36, «East Line» БМ, 100015, Тошкент ш., Ўзбекистон.

тел: +998 781505081, +998 781505082, e-mail: uzdrugsafety@evolet.co.uk